

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 14 август, № 157 (5831)

Чоршанба

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, муस्ताқил Ўзбекистон!



Масиҳқул сурури

ДЕҲҚОНИ БАДАВЛАТ ЮРТ

Ўзбек деҳқонлари азалдан “қилни қирқ ёришган”. Айниқса, дон-дун етиштиришда ота-боболаримизнинг олдиға тушадигани бўлмаган. Лекин... бир вақтлар пахта яккажўқимлиги сабаб, бугдўй билан “бегона” бўлиб қолгандик. Хайриятки, истиқлол шаърафати билан ҳаммаси жой-жойига тушди.

Мана, яқинда галла мавсумини яқунладик. Юртбошимиз галлакорларимизга табрик йўлаб, “Баракалла, барчамизни қойил қолдирдингиз, ҳеч қачон кам бўлмагиз”, дея ҳаммамизнинг дилимиздаги гапни айтди. Бинобарин, миришкорларимиз уйған хирмон 7 миллион 610 минг тоннага етди. Ўнлаб фермерларимиз ҳосилдорликни 100 центнердан оширди. Бунгақиси ҳали бўлмаган эди.

Ўзим селекционерман. Биз ўққан китобларда галла ҳосилдорлиги, нари борса, 70 центнерга етади, деб ёзилди. Дон сифатини таҳлил қиладиган лабораторияларда эса ҳосил чўғини билиш учун 1 литрлик сугимдаги бугдўйни тарозидан тортиб кўраддик. Агар 700 граммдан ошса, дўтчимизни осмонга отардик. Энди-чи?

...Урим-йиғим айна қизиган пайтлар. Юқори Чирчиқ туманидаги “Тоғсиҳмад” фермер хўжалиги галла майдонидамиз. Ҳозиргина “Клас” бункеридан тўқилган бугдўйдан 1 литрини олиб, тарозига қўямиз — етти юзу тўқсон беш грамм! Мана, сизга муस्ताқил юрт галласи! Шунақа пайтда хирмонга барака киритаётган деҳқон фермерларга қараб, отанасизга раҳмат, ҳалоллигиз бўйсин-а, дегинг келади.

Муस्ताқиллик берди-берди — деҳқонга берди! Қўли пул кўрди, касаси оқарди, бири минг бўлди унинг. Зеро, деҳқон бай бўлган юртдан барака аримайди.

Ўлмас НУРБЕКОВ,
«Давурунзорат» инспекцияси
Тошкент вилояти бўлими раҳбари.

1991



2013

2001 йил

• Мазкур йил мамлакатимиз тарихидан “Оналар ва болалар йили” сифатида жой олди. Шу ном остида қабул қилинган Давлат дастури доирасида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, миллат генофондини мустаҳкамлашга йўналтирилган тадбирлар ҳаётга изчил татбиқ этилди.

• 2001 йилнинг 25 апрелида “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати тузилди. Ҳаракат ёшларни Ватан равнақи йўлида бирлаштириш, муस्ताқил фикрловчи, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқоди ва қарашларига эга бўлган ўғил-қизларни тарбиялаш, ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг касб-хунар эгаллаши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини намоён этиши учун мақсадли лойиҳаларни амалга ошириб келаётган.

• Урганчада “Авесто” китобининг 2700 йиллигини нишонлаш муносабати билан қуролган ёдгорлик мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тантананада Президентимиз Ислам Каримов нутқ сўзлади.

• Ўзбекистон Республикаси “Шанхай форуми”га аъзо бўлди.

• Юртимизда биринчи Миллий интернет фестивали ўтказилди.

• Президентимиз ташаббуси билан 2001 йилнинг октябрида Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг биринчи қисми — “Мингўрик” — “Ҳабиб Абдуллаев” бекатларини боғловчи, узунлиги 7,6 км.га тенг йўли фойдаланишга топширилди. Унинг ишга туширилиши йўловчилар, хусусан, шахар аҳолиси учун қўшимча қўлайлик туғдирди.

• Қашқадарёда Шўртан газ-кимё мажмуининг халқаро тақдими бўлиб ўтди.

САНЪАТ

Инсоннинг маънавий камолотида мусиқанинг ўрни беқиёс. Шу боис дилтортар куй-қўшиқларни севиб тинглаймиз, улардан завқ оламиз, фарзандларимизни санъатга ошно қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратамиз. Зеро, мутахассисларнинг таъкидлашича, чинакам мусиқий асарлар ёш авлод онгу тафаккурини бойитишга, улар қалбида эзгу фазилатларни шакллантиришга хизмат қилар экан.

Эътибор ва рағбат

Дарҳақиқат, истеъдодни қайнар булоққа ўжатиш мумкин. Бу чашманинг кўзи эътибор, имконият ва рағбат туфайлигина очилиши маълум. Шу сабабли мамлакатимизда истеъдодли ёшларни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг

устувор йўналишларидан бирига айланган. Айниқса, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолияти янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган

Давлат дастури тўғрисида”ги қарори соҳа ривожига янги босқични бошлаб берди.

Қарши шаҳридаги 1-сон Болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолияти ҳам мазкур қарор асосида тубдан такомиллаштирилди. Даставвал санъат даргоҳининг биноси янгида

бунёд этилди. Уни лойиҳалаштиришда бино деворлари, эшиклар, ўқув жиҳозлари, ҳатто парда ва электр чиқоқларига мусиқа машғулотларини ўтказишга мос бўлиши ҳисобга олинди.

(Давоми 4-бетда.)

Қишлоқ тараққиётининг барометри

Аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичлардан бири, бу — уларнинг яшаш шароити, обод ва замонавий уй-жойлар билан таъминланганлигидир. Шу мезон билан ўлчанганда, юртдошларимизни, ҳеч иккиланмай, дунёдаги энг бахтиёр кишилар сафига киритиш мумкин.

ИСЛОҲОТ

Зеро, истиқлол йилларида нафақат мамлакатимиз марказида, балки чекка қишлоқларда ҳам замонавий тураржойлар барпо этилиб, аҳолининг уй-жойига бўлган эҳтиёжи тўлиқ таъминланмоқда. Бу борада яратилган Ўзбекистон тажрибаси халқаро миқёс-

да юксак баҳоланаётгани, қўлга киритилган ютуқлар атрофлича ўрганилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Очигини айтиш керак, бундай юқори натижага ўз-ўзидан, осонликча эришилгани йўқ, албатта. Илгари қишлоқ аҳолиси, асосан, пахса ва хом гиштдан

қурилган, томи лойсувоқ қилинган уйларида яшаб келган. Ҳашар йўли билан арзон нархларда қурилган бундай қишлоқлар тезда таъмирталаб ҳолга келиб қолиб, одамлар ёзда лой чангаллаб, қишда қор кураб, умр кечиришган. Сабаби, собиқ иттифоқ даврида пишиқ гишт ва асбест шиферлар давлат ре-

жаси асосида қуриладиган объектларгагина етказиб берилган, холос. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Ўзи ҳам буюртмачи, ҳам қурувчи бўлган қишлоқ аҳолисининг имкониятлари чеклангани, шунингдек, қурилиш материалларининг доимий танқислиги ҳамда қишлоқда ривожланган қурилиш санъати бўлмагани учун бу борадаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди”.

(Давоми 2-бетда.)

Сифат тизими ва сертификатлаштириш

Маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омилдир

Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани соҳа вакиллари иқтисодийни юксалтирувчи таянч кучлардан бирига айлантирмоқда. Натижада улар томонидан ишлаб чиқарилаётган сифатли ва замонавий маҳсулотларга талаб хорижда ҳам тобора ортиб бормоқда.

ҚАРОР ВА ИЖРО

— Албатта, жаҳон стандартларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш учун замонавий технологиялар зарур, — дейди “Фарғона синов ва сертификатлаштириш маркази” давлат корхонаси директори У. Аббосов. — Президентимизнинг 2013 йил 26 мартдаги “Экспорт билан шуғулланувчи корхо-

наларни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотлар экспортини кенгайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этапти. Чунки мазкур ҳужжатда ишлаб чиқарувчиларнинг хориж давлатлари билан ҳамкорлик қилишлари учун

бир қанча энгиллик ва имтиёзлар белгилаб қўйилган. Аниқроғи, улар эндиликда маълум технологик линия ёки бутловчи буюмларни четдан харид қилганда, божхона божини ва қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилади.

Марказимиз жамоаси ҳам ушбу жараёнда фаол қатнашиб, ишлаб чиқариш корхоналарида сифатни бошқариш тизимларида жорий қилиш орқали тадбиркорларга ўз маҳсулотларини сотишларида яқиндан қўмақлашмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ДИЛ СЎЗИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг республикаимиз иқтисодийотидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётгани бугун барчамизга аён. Бунга эришишда юртимизда соҳа вакиллари яратилаётган қулай шарт-шароит, берилаётган кенг имконият ва имтиёзлар муҳим омил бўлапти.

Имкониятимиз янада кенгаяди

Шу маънода, Президентимизнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори биз, тадбиркорларни янги марралар сари ундайди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги изчил ислохотлар аллақачон ўз самарасини бера бошлаган. Вилоятимиз миқёсида олиб қарайдиган бўлса, ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 62,4 фоизга етди.

Тан олиб айтиш керак, барча соҳаларда ишлаб чиқариш изчил ривожланаётган, ички истеъмолдан зиёд маҳсулот тайёрланаётган мамлакатимизда экспорт имкониятларини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш муҳим жараён саналади. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлса, юртимизнинг ана шундай юксак ва бемисл имкониятлари ҳамда истиқболлини ўзида мужассам этган мазкур қарорнинг аҳамияти ва қадр-қиммати жуда юқори.

Эндиликда ишлаб чиқарувчи ўзи тайёрлаган маҳсулотини жаҳон бозорига сотиш имкониятига эга. Бунинг учун ундан сифатли ва рақобатдош маҳсулот етиштириш ҳамда янги тузилажак жамғарма билан яқиндан алоқа ўрнатиш талаб қилинади, холос.

(Давоми 2-бетда.)

БИР
РАҚАМ
ШАРҲИ

2013 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда аҳолининг реал даромадлари

16,3 фоизга ошди.

Товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши, янги ишлаб чиқариш қувватларининг ташкил этилиши ва аҳоли бандлигини кенгайтириш бўйича қурилган изчил чора-тадбирлар бунда муҳим омил бўлди.



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Юртбошимиз Қашқадарё вилоятида раҳбар бўлиб ишлаган пайтларид...

Ислоҳотларнинг асосий эътибор қаратилган...

Мустақиллик бизга шу каби табиий имкониятлардан...

Маҳсулотларимиздан фойдаланаётган одамларнинг...

Чундан ҳам, эътиборда сап кўп. Президентимиз ташаббуси...

ҚУЁШ БИЗГА ҚУВВАТ БЕРАДИ

Кундан-кун ривожланаётган юрtdа яшаимиз...

Мустақиллик бизга шу каби табиий имкониятлардан...

Маҳсулотларимиздан фойдаланаётган одамларнинг...

Чундан ҳам, эътиборда сап кўп. Президентимиз ташаббуси...

Зулфия ОЛИМЖОНОВА, Тошкент шаҳридаги «Mir Solars» МЧЖ ижрочи директори.

1991



2013

2002 йил

Кексаларни эъзозлаш, уларга эътибор кўрсатиш борасидаги миллий кадриятларимиз истиклол йилларида...

Республикамизда икки палатали парламентни ташкил этиш масаласи бўйича референдум ўтказилди...

Юртимизда олий маълумотли, юқори малакали кадрларни жаҳон таълим мезонлари талабларига мувофиқ равишда тайёрлаш...

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизда олий musiқа таълим даргоҳи — консерватория учун янги мухташам бино барпо этилди...

Фарғонада мактаб ўқувчилари ўртасида биринчи «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Термизда мазкур шаҳарнинг 2500 йиллигига бағишланган тантаналар ўтказилди.

Пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» мажмуаси таркибида «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи ва шу номдаги жамғарма ташкил қилинди.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, улارни спортга янада кенг жалб этиш ва кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратувчи ташкилот — Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилди.

қисқаришининг олдини олиш ётса-да, уни хусусий томорқа хўжалигига синфий тус бериш орқали хаспўшлашга ҳаракат қилинган...

Қишлоқ тараққиётининг барометри

Кези келганда, айтиш керакки, мавжуд корхоналарда бир неча ўн йиллар давомида модернизациялаш ишлари амалга оширилмагани тўғрисида...

Мазкур жараёнда даставвал қурилиш материаллари сановат моддий-техник базаси мустаҳкам...

лангани айни муддао бўлди. Хусусан, қурилиш материаллари танқислигига барҳам бериш, тармокни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида давлат дастури қабул қилиниб, унга мувофиқ, 122 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилди...

ник базани мустаҳкамлаш билан боғлиқ бир қатор солиқ, божхона ва кредит имтиёзлари берилдики, натижада бугунги кунга келиб, бундай субъектлар сони қарийб 1,5 мингга етди.

Дарҳақиқат, мазкур дастур асосида миқёси жиҳатдан жуда катта бўлган бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани, жорий йилнинг апрель ойда юртимизда ўтказилган халқаро конференция иш...

тирокчилари томонидан ҳам эътироф этилди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида тураржойлар қурилиши билан яқиндан танишган хорижлик мутахассисларда, аввало, қурилиш ишлари қамрови кенглиги ва улари имтиёзли равишда молиялаштириш жорий қилинганлиги, бунинг учун яқлит институционал тизим яратилгани катта таассурот қолдирди.

Улар эътироф этганидек, узок йил кўзлаб олиб борилаётган бу ишлар нафақат қишлоқ аҳолисини замонавий талабларга мос келадиган тураржойлар билан таъминлаш, балки умумийликнинг тараққиётга эришишида ҳам муҳим омил бўлмоқда. Чунки қурилиш соҳаси иқтисодийнинг бошқа тармақлари билан узвий боғлиқ бўлиб, мультипликатив самараси юқори эканлиги билан ажралиб туради.

Сифат тизими ва сертификатлаштириш

маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омилдир

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Хусусан, вилоят ҳокимлиги, Фарғона стандартлаштириш ва метрология бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-сановат палатасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида корхоналарда менежмент тизими жорий этиш бўйича ишлаб чиқилган махсус дастур доирасида 41 йирик корхона сертификатлаштирилган бўлса, «Қува текстиль» масъулияти чекланган жамияти, «Водий Тошлоқ текстиль» хусусий корхонаси сингари 23 та кичик бизнес субъектида бу ишлар давом эттирилмоқда.

Сифат тизimini жорий қилишда Фарғона ва Қўқон шаҳарларида фаолият юритаётган 2 та консалтинг корхонаси ҳамда «Mezon Sert Serius» сертификатлаштириш идораси мутахассисларининг хизмати, айниқса, салмоқли бўлмоқда.

Айтиш жоизки, шу йилнинг баҳорида вилоятда ўтказилган халқаро бизнес-форум худуднинг инвестицион салоҳияти юқори экан...



Шошрорт ШАРАПОВ олган сурат.

лигини яна бир қарра исботлади. Дунёнинг 15 га яқин мамлакатидан кўллаб ишбилармонлар иштирок этган мазкур тадбирда 20 дан зиёд йирик хорижий компаниялар ўзларини қизиқтирган йўналишлар бўйича маҳал...

лий ишлаб чиқарувчилар билан истикболли шартномалар имзолаганлари ана шундан далолат беради. Дарҳақиқат, азиям қатъий, шижоати баяланд ишбилармонларимизнинг хорж бозорларига дадил кириб...

боришида уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва яратилаётган шарт-шароитлар муҳим омил бўлмоқда. Фарғона вилояти корхоналари томонидан шу кунгача 500 миллион АҚШ долларли маҳсулот четга сотилиб,

50,2 миллиард сўмлик ва 60,4 миллиард АҚШ долларлик инвестициялар ўзлаштирилгани, шунинг ҳисобига 31 лойиҳа рўёбга чиқарилгани бунинг ёрқин далилидир.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Имкониятнинг янада кенгайди

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Корхонамиз мисолида айтадиган бўлсам, ўтган йили олтингургурт, бу йил эса оҳаб ишлаб чиқариши ўзлаштиридик. Жорий йилнинг ўтган даврида 150 миң АҚШ долларлик маҳсулотимизни четга сотдик. Президентимиз қарорининг қабул қилиниши бу борадаги ишларимиз кўламининг кескин ошишида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз. Биз ҳам унда белгиланган имтиёзлардан фойдаланиб, келгусида хорж давлатларида ўзимизнинг савдо уйлариимизни ташкил этиб, қурилиш материалларидан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам экспорт қиламиз.

Мақсадимиз битта — ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз билан ўзимизнинг эҳтиёжимизни тўлақонли қондириш ва ортган қисмини жаҳон бозорига чиқариш. Бу эса мамлакатимизнинг нуфузи ва обрў-эътиборини янада ошириш ҳамда ҳаётимизнинг бугунгидан-да фаровон бўлишида муҳим омилдир.

Мухиддин УСМОНОВ, Жиззах шаҳридаги «Жиззах тоғ-кони» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.

Иқтисодиётимиз таянчи

Мустақиллик! Бу сўзнинг кадр-қиммати, қалбни жўш урдирувчи ҳарорати ҳар бир юртдошимизни бунёдкорлик, яратувчанликка қорлайверади. Инсоният ақлини танганидан буйён ўз Ватанида хузур-ҳаловатда, эркин ва озод яшашни озу қилади. Бироқ истиклолга эришгунгача халқимиз ана шундай хузур-ҳаловатдан, эркинлик ва озодликдан мосуво эди. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини кўлга киритганидан сўнғ Ўзбекистон дунё харитасида мустақил давлат сифатида ўз ўрни, ўз сўзи ва ўз кадр-қиммати эга бўлди.

ФАХР

22 йил — тарих учун жуда қисқа фурсат, албатта. Шунга қарамай, бу йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳаларида изчил олиб борилган ислохотлар натижасида халқимиз асрлар мобайлида эришилмаган ютуқларни кўлга киритди ва бу жараён давом этмоқда.

Хусусан, мустақиллик йилларида, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, мамлакатимиз иқтисодиётининг «қон томирлари» ҳисобланмиш республика банк тизимида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилиб, салмоқли натижаларга эришилди. Шу маънода, Ўзбекистон Республи-

каси Марказий банки раиси Ф. Муллажоновнинг «Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 3 август сонидан эълон қилинган «Бунёдкорлик, яратувчанлик ва фаровонлик» сарлавҳали мақоласида мустақиллик даврида давлатимиз раҳбари бошчилигида банк тизимида амалга оширилган ислохотлар батафсил таҳлил қилинган. Мазкур мақолада банк тизимининг ривожланиш босқичларида амалга оширилган ташкилий чора-тадбирлар, шу соҳага оид қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бирга, банк тизимининг ҳолати рақамлар орқали кенг изоҳланган. Чунончи, тизимнинг ривожланишида

малакали кадрлар билан таъминлаш устувор эканлиги — лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари ва уларнинг кафедралари, шунингдек, Банк-молия академияси, Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда хориждаги олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда юқори малакали банк мутахассислари ва раҳбар ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини доимий ошириб боришининг самарали тизими яратилганини қайд этилган. Айнан мана шу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши банк тизимининг ривожланишига ва замон талабига мос равишда юксалиб боришига замин бўлганлигини хис этиш мумкин.

Яна бир муҳим тарихий факт: 2008 йилда бошланган ва ҳануз салбий асоратлари намоён бўлаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозни шартитада ҳам Президентимиз Ислоҳот Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва миллий иқтисодийга ўз вақтида жорий этилган «Ўзбек модели»нинг илмий асоси мустаҳкам эканлиги

ҳисобига банк тизими ва унинг таркибий қисми бўлган тижорат банклари катта талафотларсиз ва зиятдан чиқиб кетганлиги аниқ фақт ва рақамлар билан таъриф-лаб берилган. Барчага аёнки, молиявий-иқтисодий инқироз нисбатан иқтисодиётнинг реал секторига кўпроқ таъсир кўрсатади. Оқибатда кўллаб корхоналар иқтисодий ночор ҳолатга келиб қолди. Мамлакатимиз банк тизимида олиб борилган оқилона пил-кредит сисёати, Марказий банк томонидан иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш бўйича олиб борилган самарали ишлар натижасида уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти тикланиб, харидорлар учун зарур бўлган истеъмолад товарлари ишлаб чиқарила бошланди. Шунингдек, бир неча ўн миңлаб ишчи ва хизматчилар иш ўринлари билан таъминланди. Республика тижорат банклари орқали шартнома асосида таҳсил олаётган бакалавр ва магистрларга имтиёзли таълим кредитларининг берилиши иқтидорли талабаларнинг ўз вақтида олий таълим

муассасаларини тамомлашига имконият яратиш билан бирга, олий таълим муассасаларининг ҳам молиявий маблағлар билан қисман таъминланаётганлиги банк тизимида олиб борилаётган устувор иқтисодий ислохотлардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, республика банк тизимида эришилаётган ютуқларни нафақат маҳаллий экспертлар, балки жаҳондаги нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг «Барқарор» рейтингини олган тижорат банклари сони 29 тани ташкил этганлиги билан ҳам эътироф этиш мумкин.

Мақолада Бухоро ва Фарғона нефтини қайта ишлаш корхоналари, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Асакадаги «GM Ўзбекистон» автомобиль заводи, қатор қимё ва бошқа корхоналарга мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчилари, деб баҳо берилган. Бинобарин, ушбу корхоналарни иқтисодий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган банк тизимини ҳам миллий иқтисодиётимиз таянчи, деб аташга барча асослар етарли, деб ҳисоблаймиз.

У. АЗИЗОВ, иқтисод фанлари номзоди. Н. ҲАЙДАРОВ, иқтисод фанлари доктори.



**ВАТАН ЯГОНАДИР,
ВАТАН БИТТАДИР**

Ўзбек халқида "Умрингиздан барака топинг" деган ажойиб бир тилак бор. Одамлар бир-бирлари билан дийдор кўришганда, албатта, шундай ният билдиришади. Таъкидлаш жоизки, бундай самимий, дустона муносабат, узро меҳр-оқибат тушунчалари бағрикенглик тамойиллари билан чамбарчас боғланиб кетган.

Чунки ўзбеклар шу заминни ўз уйим, Ватаним, деб билган, шу ернинг нонини, тузини еган бошқа миллат вакиллари ҳам, тили, динидан қатъи назар, фақат яхшилик қилишга ўрганган, улар билан доимо аҳил-иноқ яшаган, ҳамжиҳат бўлишга интиладиган миллатдир. Шу боис биз бу ерда ўзимизни эркин ҳис этаемиз, фахрланиб барилар: "ЎЗБЕКИСТОНЛИКМИН!" дейимиз.

Ҳўи, умрдан барака топши нима дегани ўзи? Шубҳасиз, тинч ва фаровон, бахтли-саодатли ҳаёт кечирши дегани. Чўқурроқ мулоҳаза юритиб кўрилса, бу дунёга келган ҳар бир инсон шу орзуга етишини хоҳлайди. Аммо у ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Биз, Ўзбекистон фуқаролари эса бу борада ўзимизни бахтиёримиз, дейишга асосларимиз етарли. Кўп кузатамиз, Президентимиз ҳар бир чиққиларида инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун туришини айтадилар. Ҳар бир ўзбекистонликнинг осойишталиги ва фаровонлиги, бахтли ҳаёт кечирши учун қўлимдан келганича хизмат қилишга тайёрман, дея таъкидлайдилар. Бу сўзларнинг амалий тасдиғини ҳам, мана, йиғирма икки йилдири, кўриб, сувоҳи бўлиб турибмиз. Турмушимиз обод ва фаровон, умримиздан розимиз.

Ўзбекистонда барча миллат вакилларига тенг ҳуқуқли муносабат қонун билан кафолатлаб қўйилган. Миллий маданий марказлар фаолияти давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, биз немис миллатининг анъана ва қадриятларини, санъатини Ўзбекистонда яшайётган бошқа миллат вакилларига эмин-эркин таништираямиз. Миллий байрамларимизни ҳеч бир монеликсиз нишонламоқдамиз. Шу эмасми бағрикенгликнинг эркин намунаси?! Бундан ташқари, ҳар йили республикамиз миқёсида ўтказилаётган "Биз ягона оила фарзандларимиз", "Ватан ягонадир, Ватан биттадир", "Ўзбекистон — умумий уйимиз" шиори остидаги фестивалларда фаол иштирок этмоқдамиз.

Яна бир гап. Фарғона шаҳридаги тўқимачилар маданият саройи миллий маданий марказларнинг "Дўстлик уйи"га айлантирилди. Барча шарт-шароитга эга бу муҳташам маскан, ҳадемай, мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

Биз инсон қадри ҳақиқия улуғланадиган мана шундай муқаддас замин фарзанди эканимиздан фахрланамиз, ўсиб келаятган ёшларимизни ўзаро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашни, Ватанимиз раванқига муносиб ҳисса қўлишни ўз бурчимиз, деб биламиз.

Марина ГЕЙЦИН,
Фарғона вилояти немис миллий маданий маркази раисининг ўринбосари,
«Дўстлик» ордени соҳибаси.

Мустақил сурури

● Реклама ва эълонлар ●

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
«ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ»
жамоаси

бунёдкор халқимизни
Мустақилликнинг
22 йиллик
шодиёнаси билан
самимий муборакбод этади.

Муаззам юртимиз раванқига муносиб улуш
қўшиб келаятган фидойи ватандошларимизга
соғлиқ-саломатлик, ишларида
файзу барака тилаймиз!
Юртимиз тинч, дастурхонимиз
тўқин бўлсин!

Байрамингиз кўтлүз бўлсин!

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ
томонидан стратегик инвесторларга таклиф

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4053-сонли Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ноҳор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Р-4010-сонли Фармойишнинг ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ балансидаги қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш учун ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:

«Samarqand Aqua Line» МЧЖ — табиий тоза газланган ва газланмаган сув, табиий шарбат ҳамда консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 3-«А» уй.

«Fergana Ceramics Industry» МЧЖ — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
Корхона манзили: Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.

«Xorazm shisha idishlari» МЧЖ — шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
Корхона манзили: Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоий қишлоғи.

«Elite Stars Textile» МЧЖ — пахта толасидан калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
Корхона манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй.

Маълумот олиш учун «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментининг Ноҳор корхоналар билан ишлаб бoshқармасига мурожаат этиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (8-371) 120-36-04, (+998 90) 969-90-98.
Факс: (8-371) 120-45-64, 120-36-29.
E-mail: uzpsbinvest@gmail.com
psbinvest@gmail.com

ВИРИН ХСК

КЎСАК ҚУРТИГА ҚАРШИ САМАРАЛИ
БИОЛОГИК ҲИМОЯ ВОСИТАСИ

Инсон ҳаёти, атроф-муҳит, фойдали хашаротлар ва ўсимлик чанглатувчиларга мутлақо зарарсиз.

ВИРИН ХСК — гўза, маккажўхори ва бошқа экинлардаги кўсак қуртига қарши 7-10 кун ичида ўз самарасини кўрсатади ва ушбу препарат ишлатилган далаларда 1-2 йил давомида ўз таъсирини сақлайди.

«Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида қўллашга руҳсат берилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати»га самарали биологик восита сифатида киритилган.

Манзил:
Тошкент ш., Бодомзор йўли к., 37-уй.
Тел.: (+99890) 920-32-99,
(+998994) 160-27-24.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

ОАТБ «ASIA ALLIANCE BANK»

Юртимиз аҳлини
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 22 йиллиги билан
муборакбод этади!

Обод турмуш йили муносабати билан
янги — «Фаровон турмуш» омонат турини таклиф қилади.

Обод турмуш йилида ҳаётимиз
янада фаровон,
кўнглимизимиз доимо шод
бўлсин!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Андижон вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Андижон тумани СИБ томонидан Андижон вилояти хўжалик судининг 2011 йил 14 январдаги 17-1008/13989-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Бобуршоҳ кўчасида жойлашган, «Махсус йўл хўжалиги» корхонасига тегишли, қурилиши тугалланмаган, 1340 кв.м. қурилиш майдонида жойлашган, 40-хонадонга мўлжалланган тураржой биноси такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 1 792 019 891 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 5 сентябрь кuni соат 11.00

Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шохкўчаси, 30-уй, 105-хона.
Телефон: (8-374) 224-48-53. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Самарқанд вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Аэропорт кўчаси, 9-уйда жойлашган, «СУ-855» МЧЖга тегишли, қурилиш майдони 843,0 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 104 632 900 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 30 август кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 28 август кuni соат 18.00.

Манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой к., 85-«А» уй.
Телефон: (8-366) 233-80-56.
www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти Жиноят ишлари бўйича судининг 2011 йил 8 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган, «Арқони Зафар» МЧЖга тегишли, Шайхонтоҳур тумани, Жарариқ кўчасида жойлашган, умумий майдони 453 кв.м., 2 қаватли ва ертўладан иборат, умумий хоналари сони 10 та, умумий йўлақлар сони 2 та, битта ёрдамчи хона, битта хожатхона, битта ошхонаси мавжуд бўлган бино — кўчмас мулк такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 346 210 804 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 30 август кuni соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита эйтиш чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимосида савдоси ўтказилишига бир иш кuni қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 811-хона.
Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039.



Сирожиiddин САЙИД, Ўзбекистон халқ шоири.

ИФТИХОР

Ватан қурмоқ — матонат,
Ватан севмоқ — диёнат.
Қолган бари — омонат,
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Ватан қурмоқ — қадридир,
Ватан қурмоқ — фахридир,
Бу — миллатдир, бу — халқдир,
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Истибоддин дориди,
Ўмгирлари, қориди,
Асрлардан нариди
Ким эдигу — ким бўлдиқ.

Пишган эди узумлар,
Емирилди тузумлар.
Айтгил “Қаро кўзим”лаб:
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Сўргил оқ ила зорин,
Чеккан ранже озорин
Ота-бобонг мазорин —
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Ватан қурмоқ — курашдир,
Ҳар ғиштидан сўрашдир,
Жон-жонингга жойлашдир —
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Дунё талош, дунё — оч,
Айвонингда қалдирғоч.
Кўзингни оч, замондош,
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Ўзиндан бир из қолдир,
Огоҳ ўғил-қиз қолдир.
Авлодларга сўз қолдир:
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Қалқиб турган бу олам,
Тинч турмас ҳеч, жон болам,
Кўргонимсан ҳам лолам,
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Қутлуғ бўлсин мамлакат,
Бу давлат, бу саодат,
Яратгандан марҳамат —
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Ҳайшқмай тўфонлардан —
Мардлик доим сенга тан,
Ота юрт, она-Ватан —
Ким эдигу ким бўлдиқ.

Бурч ҳам қарзидир то абад,
Қарз ҳам фарзидир то абад,
Айтсанг арзир то абад:
Ким эдигу ким бўлдиқ.

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мактабимизда ўқувчиларга ракс, тасвирий санъат, фортепьяно, баян-аккордеон, урма-зарбли асбоблар, торли чолғулар, анъанавий хонандалик, ўзбек халқ чолғу асбоблари каби ўнга яқин йўналиш-



мизда таҳсил олаётган Жавоҳир Отамуродов фортепьяно ҳамда Шерали Чоршанбиев зарбли чолғулар йўналишларида қўлга киритишди. Бундан ташқари, анъанавий хонандалик йўналишида 4-синф ўқувчиси Арслон Шавкатов “Янги авлод” республика болалар ижодий фестивалининг мутлақ ғолиби бўлиш билан бирга, Озарбайжоннинг Боку шаҳрида ўтказилган “Муғом” IV Халқаро болалар фестивалида махсус диплом билан тақдирланди. 5-синф

ўқувчиси Бобуржон Раҳматов эса Россиянинг Кемерово вилоятида бўлиб ўтган “Метеллица” халқаро ёш вокалчилар танловидан совриндор бўлиб қайтди. Ёшларимиз бундан кейин ҳам бир қатор нуфузли танлов ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб, санъатимиз довуруғини дунёга ёйишига ишончимиз комил.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
Шомурот ШАРАПОВ
(суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.

БОЛАЛАР СПОРТИ

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг шу йил март ойида ўтказилган йиғилишида Президентимиз мамлакатимиз учун кўп жиҳатдан янги бўлган спорт турларини ўзлаштириш ва ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилган ишларга тўхталиб, жумладан, кейинги йилларда сув спортини ривожлантириш бўйича эришилган натижаларни мисол сифатида келтирдилар.

Эътибор беринг: ўтган беш йилда юртимизнинг барча вилоятларида на- мунавий лойиҳалар асосида ҳажми 25х12 метр бўлган 14 та янги, замонавий ёпиқ сузиш ҳав-заси барпо этилиб, 13 та сузиш ҳавзаси қайтадан қурилди, 83 таси капитал таъмирланди. Шу даврда 110 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди, уларнинг умумий сони бугунги кунда юртимиз бўйича 203 тага етди. Бундай кенг имкониятлар болаларнинг сув спортини турлари — сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш, ватерполо билан оммавий равишда шуғулланиши учун хизмат қилмоқда. Хозирги вақтда 13 минг нафардан ортиқ ўғил-қиз мамлакатимизда айна шу спорт турлари билан мунтазам шуғулланаяпти.

Имконият ва рағбат бор жойда, албатта, ёрқин натижалар ҳам кўзга ташланади. Гап шундаки, эндиликда Ўзбекистон вакиллари сув спортини турлари бўйича кўплаб халқаро мусобақаларда юқори ўринларни эгаллашмоқда. Ўтган йили Германияда сузиш бўйича ўтказилган мусобақада мамлакатимиз терма жамоаси 9 та олтин, 9 та кумуш ва 6 та бронза медални қўлга киритгани бунинг яққол тасдиғидир.

сув спортини билан мунтазам шуғулланаётир. — Соғлом турмуш тарзига амал қилишни одатга айлантирган ёшларимиз сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани қувонарли ҳолдир, — дейди Навоий шахридаги “Олтин сув” сув спортини маркази бош

фильтрлаш ва алмаштириш жараёнида энг замонавий технологиялардан фойдаланилади. Ювенил, кийиниш хоналари, тренажёр заллари ҳам зарур ускуналар билан таъминланган. Бу ерда ҳар қандай мусобақани ўтказиш мумкин. — Сув спортини болалигимдан



Иштиёқ, интилиш, натижа

мураббийи Дания Галандинова. — Чунки спортга меҳр қўйган болада мардлик, қатъиятлик, аниқ бир мақсад сари дадил интилиш каби фазилатлар шаклланиб боради. Энг муҳими, у ёмон иллатларга берилмайди. Мен чин дилдан бугунги авлод вакилларига ҳавас қиламан. Қаранг, уларга қандай имкониятлар яратиб берилаяпти?! Масалан, ўтган йили “Умид ниҳоллари” спорт ўйинларининг республика босқичи олдидан Навоийда жуда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Янги спорт мажмуалари, ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этилиб, мавжудлари қайта таъмирланиб, замонавий қиёфага келтирилди. Ана шундай масалалардан бири марказимизнинг асосий спорт базаси — “Дельфин” сув спортини саройидир. Унинг таркибида 50х20 ҳамда 20х10 метр ўлчамда иккита сузиш ҳавзаси мавжуд бўлиб, сув узатиш,

қизиқман, — дейди Хуршид Турсунов. — Аввалига шунчаки ҳавас учун сузишга қатнаш эдим. Кейинчалик ўзимни шу спорт турига бағишлашга аҳд қилдим. Сувнинг сеҳри, жозибаси барибир бошқача. Сузганингизда бутун танангиз яйрайди, дард яқин йўламайди. Ҳамиша кайфиятигиз чоғ, бардам-бақувват, тетик юрасиз. Мураббийларим кўмағида тажриба орттириб, мусобақаларда имкониятимни синая кўрмоқдаман. Шу йил бошида пойтахтимизда ташкил этилган республика чемпионатининг 400 метрга сузиш баҳсларида биринчи ўринни эгалладим. Бу ютуғимдан ўзимга бўлган ишончим янада мустаҳкам-

ланди. Келажакда ниятларим кўп. Халқаро мусобақаларда ғолиб чиқиб, Ватанимиз номини улуғлашга муносиб ҳисса қўшсам, дейман. — Сузишнинг инсон саломатлигида фойдаси жуда катта, — дейди олий тоифали шифокор, кардиолог Ўткир Бахронов. — У асаб тизими фаолиятини такомиллаштириб, таянч-ҳаракат аъзоларига ижобий таъсир ўтказиши, суяк-мушак тизими ва танани чиққитириши, юрак-қон томир, нафас йўли касалликларини келиб чиқишининг олдини олади. Қадди-қоматни тик, танани бақувват қилади. Сузган киши яхши ухлайди ва мириқиб хордик чиқаради. Бу эса меҳнат унумдорлигини ҳам оширади.

Хуллас, юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган барча эзгу сый-ҳаракатларнинг замирида баркамол авлод ораси мустаҳкам ўрин олган. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ўрнида

«Тошрангметзавод» ОАЖ

мамлакатимиз халқини энг улғу, энг азиз байрам — юртимиз Мустақиллигининг 22 йиллиги билан самимий қўшлайди!

Кундан-кун чирой очиб бораётган она-Ватанимиз гуллаб-яшнаверсин! Унинг фаровон эртаси учун камарбаста бўлаётган ҳар бир юртдошимизга сиаҳт-саломатлик, хонадонига файзу барака тилаймиз!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

«KENG MAKON»
МЕБЕЛЛАР ФАБРИКАСИ ЖАМОАСИ

серқуёш республикамизнинг кўп миллатли халқини мамлакатимиз Мустақиллигининг 22 йиллик байрами билан чин дилдан табриклайди.

Юртимизда шоду хуррамлик билан нишонланадиган ушбу байрам ҳар бир хонадонга тўқинлик, фаровонлик, қувонч ва шодликлар баҳи этсин! Байрамингиз муборака бўлсин!

УДУМ

Инсоният қадим замонлардаёқ ҳайвон терисига ишлов бериб, ундан чарм тайёрлашни, чармдан эса кийим-бош ва турли буюмлар тикишни, шунингдек, ёзув пайдо бўлган, битикларни терига туширишни ўзлаштирган. Хусусан, Зардуштийлар китоби “Авесто”нинг 12 мингта ошланган ҳўкиз терисига битилганлиги фикримизни тасдиқлайди. Вақт ўтиши билан эса марказлашган давлатлар вужудга келиб, бу ҳўнар янада ривож топган.

ҒУРУР ТИМСОЛИ

Қадимда юртимизда киш ҳудудларда учрамайдиган, фақлида эркакларнинг дўппи устидан думалок, жундор телпақлар кийиши русумга кирган. Масалан, Бухоро ва унга яқин туманларда телпақлар тузилиши қия конус шаклида бўлган. Унинг юқори қисми қоракўл терисидан, ичи қўй юнги билан қопланиб, теварак-атрофи қундуз мўйнаси билан безалган. Фарғона водийси ва Тошкентда телпақнинг юқори қисми учун мато ишлатилган, ҳўшиясини тулки ёки сувсар мўйнасидан, айрим ҳўлларида қўзи терисидан тайёрлашган. Фарғона водийсининг қишлоқ аҳли қишда мўйнаси ичкарига қаратиб тикилган тумоқ кийишган. Хоразмлик эркаклар эса катта думалок чўғирма кийганлар. Мазкур бош кийим узун тўлқинсимон юнгли қўзи терисидан тикилган. Хоразмда кўнчилик касбининг кенг ривожланган тури чўғирма — телпақлар тайёрлаш бўлиб, бу касб тури билан ўтган асрда кўплаб уста хўнармандлар шуғулланганлар. Усталар ота касбидан ташқари шу хўнарга алоқадор бошқа касб-қўрларни ҳам кўн билан ўқибанганлар.

Х-ХI асрларда Хоразмга ташриф буюрган араб географ ва тарихчилари Ибн Фалдан, Истаҳарий, Ёқут ва XIX аср иккинчи ярмида бу ерга келган машҳур венгер сайёҳи Херман Вамбери ўз асарларида хоразмликларнинг довуруғини жаҳонга ёймоқдалар. Булардан қўринадикки, чўғирма оддий бош кийими эмас, ўнинг инсон учун фойдали жиҳатлари кўп.

Хозирги вақтда Хоразмда кўплаб усталарнинг ўнлаб авлодлари чўғирмадўзлик билан шуғулланмоқда. Улар Хивада ушбу касблари орқали маҳаллий ва чет эллик сайёҳларга намунали хизмат кўрсатиб, Хоразм чўғирмаларининг довуруғини жаҳонга ёймоқдалар. Булардан қўринадикки, чўғирма оддий бош кийими эмас, ўнинг инсон учун фойдали жиҳатлари кўп.

Чўғирманинг хусусиятлари жуда кўп. Мисол учун, Хоразм ҳудудида чўғирма ҳар хил қўз касалликларидан сақлайди. Сафарга чиққанда, уни от эгарининг устига қўйсангиз, ёстик вазифасини бажаради, уйқудан туриб уни бир-икки силкиб асл ҳўлига келтириб, яна кийиб кетаверасиз, деб чўғирмага таъриф беришади.

Мақсудбек АБДУРАСУЛОВ,
Хива «Ичан-Қальа» давлат музей кўриқхонаси ахборот маркази бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси собиқ етакчи илмий ходим, филология фанлари доктори

Баҳром БАҒОЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнучилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 79 697 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — О. Фаизиев.
Мусаҳҳиш — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 20.50 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5